I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-июнида Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 31935,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 107,2 фоизга тенг бўлди.

Январь-июнь ойлари учун иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш

	млрд.сўм		*2018 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида*
	2018 йил	*2019 йил*	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	**24864,3**	**31935,3**	**107,2**
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	22384,0	27674,1	107,2
Маҳсулотларга соф солиқлар	2480,3	4261,2	107,4
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**22384,0**	**27674,1**	**107,2**
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	9816,2	12557,7	109,3
Саноат	7509,0	9243,8	103,1
Қурилиш	2307,2	3313,9	129,7
Хизматлар	12567,8	15116,4	105,6
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	4075,4	4743,8	103,6
Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	3436,3	3769,4	107,0
Бошқа хизматлар	5056,2	6603,2	106,2

Тошкент шаҳри иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат ишлаб чиқариш индекси – 103,1 % ни ташкил этиб (ЯҲМ таркибидаги улуши 33,4 %), қурилиш – 129,7 % (12,0 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 103,6 % (17,1 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 107,0 % (13,6 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 106,2 % (23,9 %) ни ташкил этди.

ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари, *фоизда*
(2019 йил январь-июнь ойларида)



Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
январь-июнь ойларига
(жамига нисбатан фоизда)



2019 йил январь-июнь ойлари давомида Тошкент шаҳри бўйича савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши 17,1 % ни (2018 йил январь-июнда 18,2 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа соҳасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги 13,6 % ни (2018 йил январь-июнда 15,4 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар соҳасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги 23,9 % ни (2018 йил январь-июнда 22,6 %) ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби, январь-июнь ойларида
(жамига нисбатан фоизда)

2018 йил



2019 йил



- **Маҳсулотларга соф солиқлар**
- **Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати**
- **Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)**
- **Хизматлар**

Тошкент шаҳри иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 86,7 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 13,3 % ини ташкил этди.

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғи ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши ҳисобот йилида 45,4 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотнинг таркибидаги улуши эса 54,6 % ни ташкил этди.